



Ўзбекистон Республикаси Марказий банки

Ўзбекистонда картошка нархи ва унга таъсир этувчи омиллар таҳлили (2025 йил октябрь)

Мундарижа

Кириш	3
I. Ички бозорда картошка нархлари шаклланиши	4
II. Талаб омиллари.....	5
III. Картошка етиштириш ҳажми ва импорт динамикаси.....	6
IV. Соҳадаги муаммо ва камчиликлар	12
V. Таклифлар	15

Кириш

Картошка Ўзбекистон аҳолисининг кундалик истеъмолидаги асосий озиқ-овқат маҳсулотларидан бири бўлиб, аҳоли жон бошига йиллик картошка истеъмоли 97 кгни ташкил этади ва бу борада дунёдаги етакчи ўнталикка киради.

Юртимизда аҳоли сонининг ортиб бориши ҳисобига картошкага бўлган талаб маҳаллий ишлаб чиқариш ва импорт ҳажмлари ҳисобига қондирилмоқда.

2024 йилда Ўзбекистонда картошка истеъмолининг 84 фоизи (3,7 млн тонна) маҳаллий етиштириш ҳисобига қопланган, қолган 16 фоизи (703 минг тонна) эса импорт ҳиссасига тўғри келган. Импортда асосий улуш йирик иштирокчилар қўлида жамлангани, кичик ва ўрта импортёрлар улуши чеклангани бозорда юқори даражада концентрация мавжудлигини кўрсатади.

Картошканинг нархи мавсумий омиллар, маҳаллий ҳосилдорлик ҳамда импорт шароитлари каби омиллар таъсирида шаклланади. Нархлардаги кескин тебранишлар аҳоли харид қобилиятига салбий таъсир кўрсатиб, озиқ-овқат нархларининг барқарорлигини таъминлашда қийинчиликларни юзага келтиради.

Бунда маҳаллий картошка етиштириш жараёнида бир қатор муаммолар, жумладан, уруғчиликнинг импортга боғлиқлиги, малакали агроном кадрлар етишмаслиги, сув таъминоти ва суғориш тизимининг самарасизлиги ҳамда минерал ўғитлар нархининг қимматлиги фермерларнинг харажатлари ортишига сабаб бўлмоқда. Шу билан бирга, ҳосилни сақлаш жараёнида электр энергияси ва омборхоналардаги хизмат харажатлари юқорилиги бозор нархларига қўшимча босим яратмоқда.

Шунингдек, импортда транспорт ва логистика харажатларининг юқорилиги, божхона жараёнларидаги муаммолар ҳамда маҳсулотни сифатли ҳолда етказиб бериш учун инфратузилманинг етарли даражада ривожланмаганлиги картошка таннархи ошишига олиб келмоқда.

I. Ички бозорда картошка нархлари шаклланиши


Марказий банк кузатувларига кўра, 20 сентябрь ҳолатига 1 кг картошканинг **чакана нархи 5 500 – 7 500 сўм** атрофида (*ўртача 6 500 сўм*) шаклланиб, йил бошига нисбатан **5,4 фоизга** (371 сўм) арзонлашди. Ҳудудлар кесимида энг юқори нархлар **Андижон** (7 582 сўм) ва **Фарғона** (7 059 сўм) вилоятларида кузатилган бўлса, **Жиззах** (5 523 сўм) ва **Самарқандда** (6 074 сўм) нисбатан арзон нархлар қайд этилган. Бунда нархлар ўтган йилнинг мос даврига нисбатан **16,7 фоизга**, сўнгги беш йилда эса **122 фоизга** ошган.

Шунингдек, Марказий банк кузатувларига кўра, бугунги кунда картошканинг **улгуржи нархлари 4 000 – 4 800 сўм** (*ўртача 4 400 сўм*) атрофида шаклланимоқда.

Миллий статистика қўмитаси маълумотларига кўра, мамлакатимизда 2020 йил бошидан 2025 йил сентябригача йиғилган **умумий инфляция даражаси 72,1 фоизни** ташкил этган бўлса, **картошка нархлари ўсиши 95,2 фоизни** ташкил этган. Ушбу даврда картошка умумий инфляция даражасидан 23 фоиз бандга юқорироқ шаклланиган.

Бунда, картошка нархи 2020 ва 2024 йилларда мос равишда **42 фоиз** ва **40 фоизга** ошган бўлса, 2022 ҳамда 2023 йилларда нархларда **7 фоиз** ва **15 фоизлик** дефляция қайд этилган.

1-расм. ИНИ ва картошка нархи ўзгариши, фоизда



Манба: Миллий статистика қўмитаси.


2020 йилда пандемия даврида етказиб беришдаги узилишлар картошка таклифи билан боғлиқ муаммоларни юзага келтирган бўлса, 2024 йилда Россия ва Қозоғистонда экин майдонларининг қисқариши импорт нархлари орқали картошка нархининг сезиларли ошишига сабаб бўлган. Шунингдек, 2022 ва 2023 йилларда маҳаллий картошкада кузатилган юқори ҳосилдорлик ва барқарор импорт ҳажмлари ички бозордаги талаб ва таклиф мувозанатига ижобий таъсир кўрсатган. 2025 йилда картошка нархи нисбатан барқарор шаклланиб келмоқда (1-расм).

Картошка кам даромадли аҳоли томонидан арзон ва тўйимли углевод манбаи бўлганлиги ҳисобига кўпроқ истеъмол қилинади. Истеъмол саватида картошканинг вазни 0,8 фоизни (*озиқ-овқатлар гуруҳидаги вазни - 1,7 фоиз*) ташкил этиб, унинг нархи кескин ошганда аҳолининг озиқ-овқат харажатларига сезиларли таъсир кўрсатиши ва инфляциянинг муҳим омилига айланиши мумкин. Мисол учун, картошка нархининг 2 баробарга ошиши умумий инфляцияни 0,8 фоиз бандга (*озиқ-овқатлар инфляциясини 1,7 ф.б.га*) оширади.

II. Талаб омиллари

Ўзбекистон аҳоли бошига картошка истеъмоли бўйича дунёдаги етакчи ўнталикка¹ киради. Хусусан, 2022 йилда жаҳонда аҳоли жон бошига картошка истеъмоли бўйича Беларус (160 кг), Украина (139 кг) ва Қозоғистон (105 кг) энг юқори кўрсаткичларга эга бўлган. Ўзбекистонда эса ушбу кўрсаткич 97 кг ни (2020 йилда 91 кг) ташкил этиб, нисбатан юқори даражада баҳоланган (2-расм).

2-расм. Жаҳонда аҳоли жон бошига энг кўп картошка истеъмол қилувчи мамлакатлар, 2022 йил маълумотлари асосида, кг.да



Манба: <https://worldpopulationreview.com> сайти маълумотлари.

¹ Worldpopulationreview.com сайти маълумоти.

Охирги 5 йилда (2019 йилга нисбатан) республикада жами картошка истеъмоли 31,1 фоизга кўпайиб, 2024 йилда 4,4 млн тоннага етган. Жорий йилда эса истеъмол ҳажми 4,6 млн тонна² ташкил этиши кутилмоқда.

Картошкага бўлган талабнинг ортишига бир қатор омиллар таъсир кўрсатмоқда:

1. Демографик омиллар: Сўнгги 5 йилда аҳоли сони қарийб 11 фоизга (*ўртача йиллик 2 фоиз*) ошди ва бу истеъмол талабни оширувчи асосий омил сифатида намоён бўлмоқда;

2. Овқатланиш маданияти ва маҳаллий таомлар: картошка кўплаб маҳаллий таомларда ҳамда оммалашиб бораётган фаст-фудларнинг асосий ингредиентларидан бири бўлмоқда;

3. Даромадлар ва истеъмол таркиби: Картошка нархининг нисбатан арзонлиги сабабли гўшт нархлари жадал ошиши фонид аҳоли картошкани асосий озиқ-овқат маҳсулотли сифатида истеъмол қилиши;

4. Туризм ва умумий овқатланиш соҳасининг юқори ўсиши. Туризм ўсиши ва умумий овқатланиш соҳасининг кенгайиши картошка истеъмолига қўшимча оширувчи таъсир кўрсатмоқда. Хусусан, мамлакатимизга хориждан ташриф буюрган туристлар сони сўнгги 5 йилда 18 фоизга ошган бўлса, жорий йилнинг январь–июль ойларида мамлакатимизга ташриф буюрган туристлар сони ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 49 фоизга кўпайган.

5. Картошкани қайта ишлашнинг ривожланиши. Турли хил қовурилган картошка маҳсулотларини (*чипс ва бошқа*) ишлаб чиқариш оммалашмоқда.

III. Картошка етиштириш ҳажми ва импорт динамикаси

Сўнгги йилларда мамлакатимизда картошка етиштириш ҳажми ўсиб бормоқда (*3-расм*). Қишлоқ хўжалиги вазирлиги маълумотларига кўра, 2024 йилда республикада жами 3,7 млн тонна картошка етиштирилган бўлиб, ҳосилнинг 600 минг тоннаси кейинги мавсумда экиш учун уруғлик сифатида захира қилинган (*уруғликни ҳисобга олмаганда аҳоли жон бошига 84,2 кг дан тўғри келган*).

² Рақобатни ривожлантириш ва истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш қўмитаси маълумоти.

Бунда картошканинг 2,7 млн тоннаси асосий майдонда ва 1 млн тоннаси такрорий экин сифатида етиштирилган.


Картошка етиштириш умумий ҳажмининг энг юқори улуши Самарқанд (20,1 фоиз), Андижон (12,3 фоиз), Тошкент (10,4 фоиз) ва Фарғона (10,4 фоиз) вилоятлари ҳиссасига тўғри келган. Етиштиришнинг умумий ҳажми улушининг энг паст кўрсаткичлари Сирдарё (1,9 фоиз) ва Навоий (2,5 фоиз) вилоятлари ҳамда Қорақалпоғистон Республикаси (2,7 фоиз)га тўғри келган.

Жорий йилнинг январь–июнь ойларида мамлакатимизда картошка етиштириш ҳажми ўтган йилнинг мос даврига нисбатан 3,4 фоизга ошиб, 1,9 млн тоннани ташкил этди.


Ушбу ҳосилнинг 14 фоизи фермер хўжаликлари ҳиссасига, 85 фоизи деҳқон ва томорқа хўжаликлари ҳиссасига ҳамда 1 фоизи қишлоқ хўжалиги фаолиятини амалга оширувчи ташкилотлар ҳиссасига тўғри келган.

Ўтган йилларда картошка экиладиган майдонлар (барча тоифадаги хўжаликларда) кенгайтирилган. Жумладан, 2020 йилда экин майдонлари 90 минг гектар атрофида бўлган бўлса, 2024 йилга келиб экин майдонлари 40 фоизга кўпайиб, 125 минг гектарга етган (4-расм).

3-расм. Картошка етиштириш ҳажми динамикаси, йиллик



4-расм. Барча тоифадаги хўжаликларда картошка экилган майдон, минг гектарда



Манба: Миллий статистика қўмитаси.

Картошка импорти динамикаси


Давлат божхона қўмитаси маълумотларига кўра, 2021–2023 йилларда мамлакатимизга картошка импорти ҳажми нисбатан барқарор даражада (*ўртача 541 минг тонна*) шаклланган. Бироқ, 2024 йилдан бошлаб импорт ҳажми ошиб бормоқда.

2024 йилда картошка импорти 2023 йилга нисбатан 29 фоизга (*160 минг тонна*) ошиб, 703 минг тоннани ташкил этган. Импорт ҳажмининг ўсиши, асосан, 2024 йилда такрорий ерларда етиштирилган картошка ҳосилининг камайиши натижасида шаклланган тақчилликни бартараф этиш билан изоҳланади.


Жорий йилнинг январь-август ойларида импорт қилинган картошка ҳажми аввалги йилнинг мос даврига нисбатан 8,5 фоизга кўпайиб, 487 минг тоннага тенг бўлди. Бунда республика аҳолисининг картошкага бўлган талабининг 15 фоизи импорт ҳисобига таъминланмоқда (*5-расм*).

Жорий йилнинг январь–август ойларида картошка импорти 97 та импортёр корхона томонидан амалга оширилган бўлиб, **5 та йирик корхона** ҳиссасига умумий импорт ҳажмининг **69,3 фоизи** тўғри келади. Бунда йирик корхоналарнинг етакчи ўрни сақланиб қолгани кузатилмоқда. Импорт структурасининг бундай тақсимланиши бозорда асосий улуш бир нечта йирик иштирокчилар қўлида жамланиб қолаётганини, кичик ва ўрта импортёрларнинг улуши нисбатан чекланганини кўрсатади.

5-расм. Импорт қилинган картошка ҳажми, минг тоннада



6-расм. Давлатлар кесимида картошка импорти, фоизда



Манба: Миллий статистика қўмитаси.


2024 йилда картошка импорти асосан қўшни давлатлар ҳиссасига тўғри келган. Жами импорт ҳажмининг 72 фоизи Қозоғистондан кириб келган бўлиб, ушбу давлат Ўзбекистон учун асосий етказиб берувчи сифатида етакчи ўринни эгаллаган. Шу билан бирга, картошка импортида Қирғиз Республикаси ва Покистоннинг улуши тенг равишда 11 фоизни ташкил этган. Афғонистоннинг улуши эса жами импортнинг 6 фоизига тенг бўлган (6-расм).

2025 йилнинг январь-июль ойларида Қозоғистондан картошка импорти ўтган йилнинг мос даврига нисбатан 68 фоизга камайиб, 109,3 минг тоннани ташкил этган (*ўтган йилда 340 минг тоннага тенг бўлган*). Мазкур ҳолатни жорий йилнинг январь ойида Қозоғистон ҳукумати картошка экспортига олти ойлик вақтинча чеклов киритганлиги билан изоҳлаш мумкин.

Бунга 2024 йил давомида Қозоғистонда сел тошқинлари туфайли экиш мавсумининг кечикиши ҳамда ёз ойларидаги ноқулай об-ҳаво шароити натижасида картошка етиштиришда қатор муаммолар кузатилгани ва картошка нархи ўртача 37,7 фоизга қимматлашгани сабаб бўлди. Қозоғистон ҳукумати 2025 йилнинг 28 июлидан бошлаб, яхши ҳосил олиш прогнозларини инобатга олиб, картошка экспортига қўйилган чекловларни бекор қилди.

Бугунги кунда, Ўзбекистонда картошка нархи ўртача 6 500 минг сўмни ташкил этиб, нархлар Қозоғистондан 28 фоизга, Россиядан 6 фоизга ва Қирғиз Республикасидан 8 фоизга юқори шаклланмоқда (7-расм).

7-расм. Ўзбекистон ва қўшни давлатларда картошка нархи динамикаси, сўм эквивалентида



Манба: Хорижий мамлакатлар статистика сайтлари ва Марказий банк маълумотлари.

Қозғоғистонда картошканинг улғуржи нархлари 1 кг учун 2 100-2 800 сўм (90-120 тенге) ва чакана нархлари эса 4 500-6 500 сўм (195-260 тенге) атрофида шаклланган.

Ўз навбатида, мамлакатимиз учун **уруғлик картошка импорти** муҳим аҳамият касб этади. Маълумотларга кўра, 2025 йилнинг январь-август ойларида жами 4 110 тонна уруғлик картошка импорт қилинган бўлиб, унинг 81,6 фоизи (3 352 тонна) Нидерландиядан, 10 фоизи (410 тонна) Мўғулистондан ва 6,3 фоизи (260 тонна) Россиядан импорт қилинган.

2024 йилнинг мос даврида эса импорт ҳажми 1 209 тоннага тенг бўлиб, импортнинг 59,4 фоизи (718 тонна) Нидерландия ҳамда 35,8 фоизи (433 тонна) Россия ҳиссасига тўғри келган.

Жаҳон бозорида картошка таклифи ва нархи ўзгариши

БМТнинг озиқ-овқат ва қишлоқ хўжалиги ташкилоти корпоратив статистик маълумотлар базаси (FAO STAT)нинг 2023 йилдаги маълумотларига кўра, жаҳон бўйлаб картошка етиштириладиган умумий ер майдони 16,8 млн гектарни ташкил этди (2022 йилда 18,1 млн гектар). Экин майдонлари ҳажми камайганига қарамасдан, 2023 йилда умумий картошка ҳосили 383 млн тоннадан ошди (2022 йилда 376 млн тонна).


Ҳосилдорлик ўсиши, асосан, **такмиллаштирилган агротехника амалиётлари ва инновацион технологиялар** самарасида кузатилган.

Жаҳон бозорида картошка нархлари 2020 йилдан 2023 йилгача сезиларли даражада ошган ва 2024 йилда нарх бироз пасайган.

Жорий йилда ҳам нархлар пасайишда давом этиб, 2021 йил даражасига (1 237 сўм) яқинлашган. Бу ҳолат жаҳон бозорида таклифнинг ошиши, айрим давлатларда ҳосилдорликнинг юқори бўлиши ҳамда импорт/логистика омиллари билан изоҳланиши мумкин (8-расм).

Дунё бўйича картошка етиштиришда Хитой (93,5 млн тонна) ва Ҳиндистон (60,1 млн тонна) мутлақ етакчи ҳисобланади ва улар биргаликда жаҳонда етиштириладиган умумий ҳосилнинг қарийб ярмини таъминлайди, кейинги йирик ишлаб чиқарувчилар Украина (21,4 млн тонна), АҚШ (20 млн тонна) ва Россия (19,3 млн тонна) ҳисобланади (9-расм).

8-расм. Жаҳон бозорида картошка нархи динамикаси, кг/сўмда,



9-расм. Жаҳон бўйича давлатлар кесимида картошка ишлаб чиқариш ҳажми, млн тоннада



Манба: FAOSTAT, tradingeconomics.com ва potatonewstoday.com маълумотлари

Мазкур даврда картошка (қайта ишланмаган) экспорти 2023 йилга (6,4 млрд доллар) нисбатан 11 фоизга ўсиб, 7,1 млрд долларини ташкил этди. Бунда картошка экспортида Франция ва Нидерландия етакчилик қилиб, экспортнинг қарийб 40 фоизини ташкил этган.

Шунингдек, 2024 йилда жаҳон бўйича картошка импорти 2023 йилга нисбатан 9,7 фоизга кўпайиб, 7,6 млрд долларга тенг бўлди. Асосий импортчилар — Белгия, Испания, Нидерландия, АҚШ ва Италия бўлиб, улар умумий импортнинг 43,1 фоизини ташкил этди.

Сўнги йилларда, айниқса қайта ишланган озиқ-овқат сегментидаги ўзгаришлар туфайли жаҳон бозорида музлатилган картошка маҳсулотларига бўлган талаб юқори даражада ўсмоқда.

Хусусан, 2019–2024 йиллар давомида музлатилган картошка маҳсулотларининг халқаро савдоси кескин ошиб, экспорт қиймати 7,7 млрд доллардан 13,2 млрд долларга етди.

Ривожланаётган йирик бозорлар — Хитой ва Ҳиндистон маҳаллий қайта ишлаш қувватларининг кенгайиши натижасида қайта ишланган картошка маҳсулотлари импорт қилувчи давлатлардан соф экспортчиларга айланди.

Ўз навбатида, ривожланаётган мамлакатлар келгуси йилларда талаб ва рақобатнинг ортишига мос равишда глобал картошка ишлаб чиқариш ва қайта ишлашдаги улушини оширишда давом этиши кутилмоқда.

Шунингдек, Россия Қишлоқ хўжалиги вазирлиги маълумотига кўра, экин майдонларининг қисқариши ва ноқулай об-ҳаво шароитлари туфайли 2024 йилда **картошка ҳосили 12 фоизга камроқ бўлиши** ҳисобига Россияда ҳам нархлар юқори даражада (*қарийб 92 фоиз*) ошган. Бу эса минтақада картошка нархи сезиларли қимматлашишига олиб келган.

Картошка иттифоқи маълумотларига кўра, 2025 йилда Россияда картошканинг умумий ҳосили 8 млн тоннага етиши кутилмоқда. Бу 2024 йилга (7,3 млн тонна) нисбатан 0,7 млн тоннага кўп, бироқ 2023 йилдаги рекорд 8,6 млн тоннадан кам.

Қишлоқ хўжалиги вазирлиги ҳосил бўйича прогнозни 7,5-7,6 млн тонна атрофида сақлаб қолмоқда.

Қозоғистонда 2025 йилда картошка ҳосили **2,7 млн** тонна атрофида бўлиши кутилмоқда. Уларнинг ўртача йиллик истеъмол эса **2 млн** тоннани ташкил этади. Жорий йилнинг 5 сентябрь ҳолатига кўра, **840,2 минг** тонна ҳосил йиғиб олинган.

IV. Соҳадаги муаммо ва камчиликлар

Марказий банкнинг картошка етиштирувчи деҳқон ва фермерлар ҳамда импортёрлар билан ўтказган ўрганишларига кўра, улар томонидан соҳада бир қатор муаммо ва камчиликлар мавжудлиги таъкидланди. Хусусан:

Етиштириш харажатларининг ошиб бораётганлиги.

2021-2025 йилларда картошка ҳосилини етиштиришнинг ўртача харажатлари қарийб 1,5 баробарга ошган.

Жумладан, ҳудудларда 1 гектар экин майдонида картошка етиштиришнинг ўртача харажатлари 2021 йилда 45,5 млн сўмни, 2022 йилда 55,4 млн сўмни, 2023 йилда 57,6 млн сўмни ва 2024 йилда 64,9 млн сўмни ташкил этган бўлса, 2025 йилда 65,9 млн сўм атрофида шаклланмоқда.

Ўз навбатида, етиштириш харажатларининг ошиб бораётгани ички бозордаги нарх шаклланишининг асосий драйверларидан бири сифатида намоён бўлмоқда.

Қишлоқ хўжалиги вазирлиги маълумотларига кўра, картошка етиштириш харажатлари ошишига ҳосил етиштиришда фойдаланиладиган бир неча турдаги маҳсулот ва хизматлар нархининг охириги 4 йилда ўсиши сабаб бўлган (10-расм). Жумладан:


- **кимёвий воситалар** нархи 3 баробардан (202 фоиз) ҳам кўпроқ ошган (жаҳон бозорида энергия ресурслари қимматлаши, геосиёсий беқарорлик ва экспорт чекловлари таъсирида ошган);

- **ёқилғи ва энергия нархларининг** ошиши (180 фоизга) картошка етиштиришдаги қудуқ насослари, суғориш тизимлари ва транспорт харажатларини жиддий қимматлаштирган;

- **минерал ўғитлар** нархидаги юқори ўсиш (жаҳон бозорида нарх ўсиши ҳисобига азот 173 фоизга ва калий 175 фоизга);

- **механизация хизматлари** нархининг (170 фоизга) ошиши.

10-расм. Картошка етиштиришда зарур бўлган нархлари юқори ошган маҳсулотлар ва хизматлар, 2022-2024 йилларда, фоизда



Манба: Қишлоқ хўжалиги вазирлиги.

Шунингдек, картошка ҳосили ва нархларига салбий таъсир кўрсатган омиллар сифатида қуйидагилар таъкидланган:

- картошка етиштиришда уруғлик харид қилиш умумий харажатларнинг 40–50 фоизини ташкил этаётгани, уруғларнинг қимматлиги ҳамда асосий қисми импорт орқали кириб келиши;

- сифатсиз уруғлар сабабли айрим ҳудудларда ҳосилдорлик пасайганлиги. Берилаётган уруғлар тегишли лабораторияларда текширилмасдан, шунингдек иқлим, ер ва сув шароитлари ҳисобга олинмасдан деҳқонларга тарқатилгани;

- айрим ҳудудларда кузатилаётган сув танқислиги, шунингдек, суғориш учун сув хизматлари нархи сезиларли даражада қимматлашиб, ўтган йилда 1 м³ учун 45 сўм бўлган бўлса, жорий йилдан бошлаб 1 м³ учун 100 сўм қилиб белгилангани;

- соҳа мутахассислари (*агрономлар*) етишмаслиги. Фермер хўжаликларининг кўпчилигида картошка етиштириш жараёнида кимёвий воситалар ва ўғитларни қачон бериш, суғориш муддатлари ҳамда бошқа агротехник тадбирларни амалга ошириш бўйича билим ва кўникмалар етарли эмаслиги;

- меҳнат ресурслари нархининг ўсиши ҳам умумий ишлаб чиқариш харажатларининг кўпайишига олиб келаётгани;

- маҳсулотни сақлаш жараёнидаги муаммолар, хусусан, совутгичли омборхоналарда электр энергияси сарфининг юқорилиги харажатларни кескин оширмақда. Шу билан бирга, ушбу омборхоналар қишлоқ хўжалиги инфратузилмасининг ажралмас қисми бўлганига қарамадан, уларга нотурар жойлар учун белгиланган солиқ ставкалари қўлланилиши сабабли маҳсулот сақлаш харажатлари ортиб, бозордаги нархларга қўшимча босим юзага келмақда;

- ёқилғи нархларининг ошиши натижасида ташиш харажатлари қимматлашмақда.

Импорт жараёнидаги муаммолар

Қўшни давлатлар томонидан картошка экспорти учун турли чекловларнинг киритилиши ҳам ички бозорда нархларнинг ошишига сабаб бўлмақда.

Логистик узилишлар. Ўрганишларга кўра, қиш мавсумида картошка импортида айрим қийинчиликлар юзага келади. Жумладан, Афғонистон орқали олиб келишда логистикада узилишлар (*тоғли йўллар музлаши тўфайли*) кузатилади. Шу сабабли, картошка сифати бузилиб, истеъмолга яроқсиз ҳолда бозорга етиб келиши мумкин. Бу ҳолат бозорда сифатли маҳсулотга бўлган талабни ошириб, нархларга қўшимча босим ўтказди.

Юк ташиш хизматларининг қимматлиги. Бугунги кунда импорт картошканинг асосий қисми Қозоғистон ва Россиядан темир йўл орқали олиб келинмақда. Темир йўл ташиш харажатларининг нисбатан юқорилиги маҳсулот таннархи ошишига сабаб бўлмақда.

Импортёрлар фикрига кўра, Покистон логистика компаниялари бир фура (25 тонна картошка) маҳсулотни 680 км масофага – Покистондан Афғонистон орқали Ўзбекистон чегарасигача 2 000 АҚШ доллари эвазига етказиб бермоқда. Бироқ Афғонистондан Ўзбекистон ҳудудига олиб кириш жараёнида 5 км масофа учун маҳаллий логистика компаниялари 800–1 000 АҚШ доллари миқдорида хизмат ҳақи талаб қилаётгани қайд этилмоқда.

Маҳсулот импорт қилинганда лаборатория таҳлил далолатномаларини расмийлаштиришда таҳлиллар фақат Тошкент шаҳрида амалга оширилаётгани (*карантин назорат далолатномаларини*) сабабли карантин назорат далолатномаларини олиш жараёни кўп ҳолларда 5 кунгача чўзилмоқда.

V. Таклифлар

Импорт ва логистика.

1. Божхонада лаборатория хулосаларини олиш жараёнини 5 иш кунидан 3 иш кунигача тезлаштириш. Бунинг учун, асосий божхона пунктларида лаборатория таҳлил марказларини ташкил қилиш орқали карантин назорат далолатномаларини расмийлаштириш муддатини қисқартириш.

2. Маҳсулотни сифатли ҳолда олиб келиш мақсадида музлаткичли вагонлар сонини кўпайтириш бўйича амали чоралар кўриш.

3. Мамлакатимиз иқлими картошканинг қишки мавсум учун захира қилиб сақланадиган навларини етиштиришга мос келмайди. Шу боис, фермер ва деҳқонлар давлат воситачилиги орқали қўшни Қирғиз Республикасида бўш турган томорқа ерларни ижарага олиб, у ерда картошка етиштириш ва етиштирилган маҳсулотни Ўзбекистонга олиб кириш имкониятини кўриб чиқиш.

4. Картошка импортида шаффофликни ошириш мақсадида, Рақобатни ривожлантириш ва истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш қўмитаси томонидан импортчи ташкилотлар фаолияти ва бозордаги концентрация даражаси бўйича маълумотларни даврий эълон қилиш амалиётини жорий этиш.

Логистика хизматлари бозорига халқаро компанияларни жалб қилиш орқали рақобат муҳитини кучайтириш.

5. Нархларнинг шаффофлигини таъминлаш учун тарифларни очиқ эълон қилиш ва назорат тизимини йўлга қўйиш.

6. Давлат томонидан логистика инфратузилмасини ривожлантиришга сармоялар йўналтириш, шу жумладан, чегара ҳудудларда замонавий омбор ва транспорт марказлари қуриш (*Сурхондарё мисолида*).

7. Импорт маҳсулот нархини барқарорлаштириш мақсадида халқаро келишувлар орқали транспорт харажатларини оптималлаштириш.

Картошка уруғчилигини ривожлантириш.

8. Қишлоқ хўжалигига ихтисослашган туманларда ёки яқин жойлашган 3-4 та туманда илмий-тадқиқот марказларини ташкил этиш. Бундай марказлар фермер хўжаликлари картошка уруғи етказиб берувчи таъминотчилар билан шартнома тузишдан олдин уруғ сифати бўйича хулоса тақдим этади. Агар уруғ сифати талабларга жавоб берса, фермерлар шартнома имзолайди. Шунингдек, илмий-тадқиқот станцияларида маҳаллий шароитга мос янги навлар ва юқори сифатли уруғларни яратиш имконияти ҳам яратилади.

9. Уруғлик картошкани импорт қилишда барча импортёрлар учун тенг шарт-шароитлар яратиш.

10. Картошка уруғчилигини ривожлантириш ва тармоқни барқарор таъминлаш мақсадида замонавий лабораторияларни ташкил этиш. Лабораториялар орқали уруғларнинг сифатини доимий равишда мониторинг қилиш, уларнинг ҳосилдорликка ва касалликларга чидамлилигини баҳолаш.

11. Ҳар бир ҳудудда махсус қишлоқ хўжалиги лабораторияларини ташкил этиш. Лабораторияларда тупроқ таркиби, иқлим шароити, сув ресурслари ва касалликлар тарқалишини илмий асосда таҳлил қилиб бориш.

Агросекторда рақамли технологиялар ва смарт-фермерчилик ечимлари:

12. Дронлар ёрдамида экин майдонларининг ҳолатини кузатиш ва сенсорлар орқали тупроқ намлиги ва ўғитларга эҳтиёжни аниқлаш.

13. Рақамли платформаларда маълумотларни жамлаб, фермерларга аниқ тавсиялар бериш орқали етиштириш жараёнида харажатларни оптималлаштириш.

14. Автоматлаштирилган суғориш тизимлари – сувдан тежамкор фойдаланишни кўпайтириш.

15. Ёмғирлатиб суғориш тизими техникаларини ишлаб чиқаришни рағбатлантириш.